*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 26 (6916). ● 8 февраль, 1979 йил ▲ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан районлар, районларнинг қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлаш ишлаб чиқариш бирлашмалари, область сув хўжаликлари ташкилотларининг механизациялашган кўчма колонналари ўртасида ўтказилган мусобақанинг биринчи февралгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Коммунистик районига** (район партия комитетининг секретари М. С. Расулов, район ижроия комитетининг раиси О. У. Исҳоқов қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзлари район комитетининг раиси И. Султонова, район комсомол комитетининг секретари Х. Н. Абдувакборов ўртоқлар) берилди. Бу район меҳнаткашлари 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини амалга оширишда юксак суръатларга эришдилар ва календарь топшириқларини муҳаллий ўғит жамғариш бўйича 191 процент, уларни далаларга солиш бўйича 103 процент, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш бўйича 113 процент, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 115 процент, насос—куч агрегатларини ремонт қилиш бўйича 133 процент қилиб бажардилар. Ўн кунлик топшириқлар ҳамма маркадаги тракторлар ремонти бўйича 254 процент, дағал хашакни майдалаш бўйича 105 процент, қаймоғи олинмаган сут ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш бўйича 108 процент, суюқ аралаш озуқа тайёрлаш бўйича 125 процент қилиб адо этилди.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин район қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлаш ишлаб чиқариш бирлашмасига** (бошқарувчиси Б. С. Муҳиддинов, партия ташкилотининг секретари Р. Я. Вериденская, касаба союз ташкилотининг раиси А. Х. Жалилов, комсомол ташкилотининг секретари Н. К. Фех ўртоқлар) берилди. Бу бирлашма коллективи календарь топшириқларини ҳамма маркадаги тракторлар ремонти бўйича 121 процент, шу жумладан ҳайдов тракторлари ремонтини 140 процент, дон сеялкалари ремонтини 100 процент қилиб бажарди.

Байроқ Оққўрғон район қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлаш ишлаб чиқариш бирлашмасидан олиб берилади.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Ташобламелиноводстрой» қурилиш бошқармасининг 2-механизациялашган кўчма колоннасига** (бошлиғи Ю. Ю. Юнусов, партия ташкилотининг секретари И. А. Мамедов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. А. Маликов, комсомол ташкилотининг секретари Н. Ю. Васильева ўртоқлар) берилди. Колонна қурувчилари календарь топшириқларини ирригация тармоқларини тозалаш бўйича 110 процент, каналларнинг қирғоқларини шиббалаш бўйича 100 процент, эски ҳайдалган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 110 процент қилиб адо этдилар.

Байроқ «Ташоблмелиноводстрой» қурилиш бошқармасининг 6-механизациялашган кўчма колоннасидан олиб берилади.

**Оржоникидзе, Тошкент, Оққўрғон, Бекобод, Ғалаба районлари, Бекобод ва Бўка районларининг қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлаш ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси, Чиноз машина-экскаватор станциясида** 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни амалга оширишда яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Оҳангарон, Бўстонлиқ, Чиноз районларида, шунингдек, Чиноз ва Оҳангарон районларининг қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлаш ишлаб чиқариш бирлашмаларида кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Коммунистик ва Калинин районларига, Калинин район қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлаш ишлаб чиқариш бирлашмасига, «Ташоблмелиноводстрой» қурилиш бошқармасининг 2-механизациялашган кўчма колоннасига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

## КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ!

ХИМИЯ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИДА МУРАККАБ УҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСИНИ ҚУРИШ ВА КОМПЛЕКСИДА ҚАТНАШГАН ХИМИКЛАР, ҚУРУВЧИЛАР, МОНТАЖЧИЛАР, МАШИНАСОЗЛАР, ЛОЙИҲАЧИЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИГА ВА УНИНГ БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИГА.

**Азиз ўртоқлар!**

**Сизларни комплекс минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида Ўрта Осиёдаги йирик, замонавий корхона — Олмалиқ химия заводини ривожлантиришда эришилган катта муваффақиятлар билан қизғин ва самимий табриклайман.**

**Сизлар мураккаб технология жараёнларини мамлакатда биринчи бўлиб қисқа муддатларда ўзлаштириб олдингиз ва заводнинг юқори сифатли фосфорли ўғитларни ишлаб чиқарувчи дастлабки икки навбатининг лойиҳада белгиланган қувватидан ўзиб кетдингиз. Бунинг натижасида ўғит ишлаб чиқариш уч йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Белгиланган топшириқдан ташқари қишлоқ хўжалигига 200 минг тонна ана шу қимматли маҳсулот етказиб берилди. Бу эса пахтадан мўл ҳосил етиштиришга катта ёрдам берди. Ана шу янги жараёнларнинг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини оширишни ва энергетика сарфини анча камайтиришни таъминлаётганлиги муҳимдир.**

**Ишлаб чиқариш комплекси учинчи навбати қурилишининг тугалланиши янги катта ютуқдир. Бу комплекснинг ишга туширилиши билан завод ишлаб чиқарадиган ўғит 850 минг тонна ортади. Шу билан бирга объектларни қуриш юзасидан нормативда белгиланган муддатлар ярим йилга қисқарди.**

**Ўзбекистон партия ташкилотининг кенг кўламда олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий иши туфайли ана шу муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистон партия ташкилоти химиклар, қурувчилар, монтажчилар ва Олмалиқ химия заводини вужудга келтиришда бошқа кишиларнинг мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлади.**

**Республикадаги Самарқанд, Чирчиқ, Фарғона химия корхоналари ҳам республика партия ташкилотининг раҳбарлигида ўз қувватларини ошириб бормоқда. Бу эса ана шу регионда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада кўпроқ химиялаштиришни таъминлайди.**

**Азиз ўртоқлар, сизларга партия XXV съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга оширишда янгидан-янги юксак муваффақиятлар тилайман.**

**Л. БРЕЖНЕВ.**

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАЛИНИН РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1979 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бутун совет халқи қаторн Калинин районининг меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун фидокорона курашмоқдалар. Улар СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг биринчи йили — 1978 йилни хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятлар билан нишонладилар. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида саноат маҳсулоти реализация қилиш ҳажми 103,6 процент бажарилди. Шу давр ичида 21,4 минг квадрат метр уй-жой бинолари қурилди, 300 ўринли маданият саройи, учта кинотеатр, 4 та кутубхона фойдаланиш учун топширилди.

Қишлоқ меҳнатчилари айниқса катта муваффақиятларга эришдилар, улар кейинги уч йилда давлатга дон ва мева сотиш беш йиллик топшириқларини бажариб бўлдилар, тўрт йиллик план ҳажмида сабзавот ва картошка тайёрладилар. Шу йиллар ичида район меҳнаткашлари пландан ташқари давлатга 112 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, 2,7 минг тонна гўшт, 3,2 минг тонна сут сотилишини таъминладилар.

Тошкент область Калинин районининг меҳнаткашлари партиянинг аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорлари асосида хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрациялаб ва ихтисослаштириб, ўз эҳтиёжларига 1979 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул этадилар:

— колхозларда ва давлат хўжаликларида камида 100 минг тонна зарур турдаги сабзавот, 13 минг тонна картошка, 5,5 минг тонна полиз маҳсулотлари, 6 минг тонна мева, 5 минг тонна узум, 8,6 минг тонна дон, 4450 тонна гўшт, 10,4 минг тонна сут, 63 миллион дона тухум ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа кўпгина маҳсулотлари етиштиради.

— Барча категориядаги хўжаликларнинг давлатга камида зарур турдаги 100 минг тонна сабзавот, 9 минг тонна картошка, 3,2 минг тонна полиз маҳсулотлари, 6 минг тонна мева, 4,6 минг тонна узум, 4,1 минг тонна гўшт, 8,9 минг тонна сут, 57,3 миллион дона тухум, 110 тонна жун, 123 тонна пилла ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа кўпгина маҳсулотларини сотиш таъминланади;

— алмашлаб экишни планли жорий этиш, ер-сув ресурсларидан, минерал ўғит, гербицидлардан ва бошқа моддий-техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини ҳар томонлама кўтариш асосида гектар бошига 250 центнер сабзавот, 135 центнер картошка, 230 центнер полиз маҳсулотлари, 70 центнер мева, 90 центнер узум, 80 центнер маккажўхори олинади;

— мева-сабзавотчиликка техника тараққиётини бундан буён ҳам жорий этиш тадбирлари амалга оширилади, картошка экиш, унинг қатор ораларини юмшатиш ишлари 100 процент, ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари 93 процент;

— сабзавот экинларини экиш 71 процент, қатор ораларини юмшатиш 93 процент, уларнинг ҳосилини йиғиштириб олиш 34 процент;

— боғ ва токзорларнинг, шунингдек полиз экинларининг қатор ораларини юмшатиш ишлари 100 процент, механизациялаштириш л а д и. Сабзавот экинлари майдонининг 80 процентида гербицидлардан фойдаланиш таъминланади. Барча колхоз ва совхозларда маҳаллий органик ўғитларни бутун йил бўйи тайёрлаш ташкил этилади ҳамда бу ўғитнинг қатор ораларини ишлаш даврида гўнг-тупроқ компости ёки чиринди гўнг ҳолида солиниши таъминланади, «шарбат» усулида суғориш кенг қўлланилади;

— теплицалардан самарали фойдаланиш таъминланади ҳамда теплицалар майдонининг ҳар квадрат метридан камида 16 килограмм сабзавот олинишига эришилади, савдо тармоғига 4 минг тонна помидор, бодринг ва бошқа турдаги сабзавот маҳсулотлари мавсумдан ташқари даврда етказиб берилади. 7,2 минг гектар ерга эртанги сабзавот, шу жумладан 300 гектар ерга полиэтилен пленка остига сабзавот экиб, камида 6 минг тонна эрта баҳорги сабзавот маҳсулотлари етиштирилади;

— картошка тайёрлаш йиллик ҳажмининг эртанги картошка ҳосилидан, мева тайёрлаш йиллик ҳажмининг эртанги ва ўртаги ҳосил ҳисобида, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш йиллик ҳажми 7 октябргача

— СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг икки йиллигигача бажарилиши таъминланади;

— чорвачиликни янада ривожлантириш таъминланади. Қора моллар туёғи 12 минг бошга, шу жумладан сигирлар 3,8 минг бошга, қўй ва эчкилар 54 минг бошга, чўчқалар 8,3 минг бошга, тухумга кирган товуқлар 437 мингтага етказилади. Ҳар бир бош сигирдан камида 3600 килограмм сут соғиб олинади, гўшт учун давлатга топшириладиган ҳар бош молнинг ўртача вазни оширилиб, қорамол 460 килограммга, қўй ва эчкилар 50 килограммга, чўчқалар 110 килограммга етказилади. Ҳар бир товуқдан олинадиган тухум 200 тага, ҳар бош қўйдан қирқиб олинадиган жун 2 килограмм, ҳар қути қурт уруғидан олинадиган пилла 71 килограммга етказилади. Наслчилик ва зооветеринария иши, чорвани урчитиб кўпайтириш яхшиланади ҳамда ҳар юз бош сигир ва икки ёшдан ошган ғунажин ҳисобига 90 та бузоқ, ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 105 бош қўзи, ҳар 100 бош чўчқа ҳисобига 2400 чўчқа боласи олинади;

— чорвачиликнинг емхашак базасини янада мустаҳкамлаш таъминланади, хашаки экинларни оралатиб, аралаштириб ва такрор экиш кенг жорий этилади. Ҳар гектар ҳисобига 500 центнер силосбоп кўкпоя, 200 центнер беда пичани, 600 центнер озуқабоп илдиз мевалар олинади. 42 минг тонна хашак, шу жумладан 19 минг тонна сенаж, 13 минг тонна беда тайёрланади, 40 минг тонна силос бостирилади, 11 минг тонна озуқабоп илдиз мевалар етиштирилади, 1,7 минг тонна сервитамин ўт талқони, 5 минг тонна донадор ва брикет озуқа тайёрланади;

— суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш чоралари кўрилади, шу мақсадда 700 гектар ер яхшилаб текисланади ва унинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Калинин районининг меҳнаткашлари иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, давлатга дон, сабзавот ва мева сотиш ўнинчи беш йиллик топшириқлари тўрт йилда, картошка, сабзавот, чорвачиликнинг барча турдаги маҳсулотлари сотиш ўнинчи беш йиллик топшириқлари тўрт ярим йилда бажарилишини таъминлашга қаттиқ бел боғлаганлар.

Социалистик мажбуриятлар район коллективларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

## ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

### САЙЛОВЧИЛАРНИНГ Г. А. АЛИЕВ БИЛАН УЧРАШУВИ

6 февралда Озарбайжон пойтахтидаги В. И. Ленин номли саройда Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Боку — Ленин сайлов округининг сайловчилари депутатликка ўз номзодлари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Гайдар Али Ризо ўғли Алиев билан учрашдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Бакинский рабочий» машинасозлик заводининг слесари Э. Г. Рагимов Г. А. Алиевнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапирди, сайловчиларни сайлов кунида ватаннинг содиқ фарзандлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

КПСС Марказий Комитетининг СССРнинг барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаати Боку ва бутун республика меҳнаткашларининг меҳнатдаги ғайратшижоатини янада кучайтирди, деб уқтириб ўтдилар нотиқлар. Бокуликлар, деб таъкидлашди улар, Давлат ҳокимияти олий органига сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Учрашувда ўз коллективлари номидан сўзга чиққан сайловчилар барча совет кишилари каби Нижний Тагил меҳнаткашлари ҳам Ватанни янада яшнатиш, коммунизм тантанаси йўлида янги меҳнат зафарларига эришмоқ учун куч-ғайратларини аямай сарф қиладилар, деб ваъда бердилар.

Учрашув қатнашчилари самимий кутиб олган Я. П. Рябов сўзга чиқди. Бизда, деди у, сайлов кампанияси давомида босиб ўтилган йўлни якунлаштириш, истиқболни белгилаш жуда яхши анъана бўлиб қолди. Ҳаётимизнинг энг муҳим масалалари тўғрисида бутун халқимиз жонкуярлик билан очиқ гаплашиб олмоқда, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ишини яхшилаш ҳақида мулоҳазалар, таклифлар айтилмоқда. Бу — амалдаги демократиядир. Бизнинг бутун халқимиз шу демократия туфайли хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма масалаларини ҳал этишда актив қатнашмоқда.

Нотиқ ўтган беш йил мобайнида экономикани ривожлантириш якунлари тўғрисида гапириб, саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва мамлакатнинг миллий даромади анча кўпайганлигини таъкидлаб ўтди. Партиянинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини юксалтириш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда, корхоналар ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари билан кенг қуламда таъминланди. Партия хўжалик қурилишида эришилган муваффақиятлардан фойдаланиб, совет кишиларининг фаровонлигини юксалтириш йўлини зўр қатъият ва изчиллик билан амалга оширмоқда.

Аввало мамлакатнинг шарқий қисмида бир қанча территориал ишлаб чиқариш комплексларининг вужудга келтирилганлиги ва ривожланганлиги актуал иқтисодий вазифаларни ҳал этишда муҳимдир. Бу комплекслар шу беш йиллигининг ўтган уч йили мобайнида нефть ва газ қазиб чиқаришнинг деярли бутун ўсишини, электр энергия ишлаб чиқариш, темир руда ва кўмир қазиб чиқариш ўсишининг талайгина қисмини таъминладилар.

Нотиқ яна бундай деди: КПСС Марказий Комитети капитал қурилиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Шу йилнинг планига мувофиқ бутун мамлакатда битказилмай қолган қурилишни қисқартириш, машина-ускуналар билан ривожланаётганлигини уқтириб ўтди. 1978 йилнинг якунлари тўқкизинчи ва ўнинчи беш йиллик йилларида республика эришган катта-катта муваффақиятларнинг аҳамияти қисмидир. Ўтган ўн йил ичида республика эришган муваффақиятлари учун, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун саккиз йил муттасил КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан тақдирланди. Ўтган сайловдан кейинги беш йил мобайнида республикада саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бир ярим баравар ошди. 1978 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 2 миллиард сўмлик бўлди. Бу эса ўтган сайловдан олдинги беш йиллигидаги ўртача йиллик ҳажмидан қарийб 800 миллион сўм кўп қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилганлигини билдиради.

Меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлиги анча ўсди. Миллий даромад беш йил ичида бир ярим баравар кўпайди.

1979 йилда республика олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди, деб таъкидлади нотиқ. Партия талаб этганидек бизнинг энг асосий мақсадимиз ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва бутун ишнинг сифатини тинмай оширишдан иборат. Республика меҳнаткашларининг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ҳам худди шу мақсадни назарда тутади.

Озарбайжон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан 1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантиришга, шу йилнинг ва умуман беш йилликнинг планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришга якдиллик билан қарор қилдилар.

Г. А. Алиев ўз нутқининг охирида Озарбайжон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари СССР Олий Советига сайлов кунида октябрь ишига, партия ишига содиқ эканликларини, КПСС XXV съезди белгилаган режаларни амалга оширишга қатъий аҳд қилганликларини яна бир марта намойиш қиладилар, деб ваъда берди. (ТАСС).

## ВАТАН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДАГИ МЕҲНАТ

### САЙЛОВЧИЛАР Я. П. РЯБОВ БИЛАН УЧРАШДИЛАР

Уралнинг донғи кетган пўлатини ишлаб чиқарувчилар, Нижний Тагилнинг бақувват машиналарини яратувчилари, кончилари, химиклари, биноқорлари 6 февраль куни Ленин номли металлургия комбинатининг маданият саройига тўпланишди. Бу ерда СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Нижний Тагил сайлов округининг сайловчилари шу округдан депутатликка номзод КПСС Марказий Комитетининг секретари Яков Петрович Рябов билан учрашдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили Нижний Тагил металлургия комбинатининг катта мастери В. Н. Лукьянов Я. П. Рябовнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапирди ва сайловчиларни сайлов куни ватанимизнинг содиқ фарзандлари, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Учрашувда ўз коллективлари номидан сўзга чиққан сайловчилар барча совет кишилари каби Нижний Тагил меҳнаткашлари ҳам Ватанни янада яшнатиш, коммунизм тантанаси йўлида янги меҳнат зафарларига эришмоқ учун куч-ғайратларини аямай сарф қиладилар, деб ваъда бердилар.

Учрашув қатнашчилари самимий кутиб олган Я. П. Рябов сўзга чиқди. Бизда, деди у, сайлов кампанияси давомида босиб ўтилган йўлни якунлаштириш, истиқболни белгилаш жуда яхши анъана бўлиб қолди. Ҳаётимизнинг энг муҳим масалалари тўғрисида бутун халқимиз жонкуярлик билан очиқ гаплашиб олмоқда, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ишини яхшилаш ҳақида мулоҳазалар, таклифлар айтилмоқда. Бу — амалдаги демократиядир. Бизнинг бутун халқимиз шу демократия туфайли хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма масалаларини ҳал этишда актив қатнашмоқда.

Нотиқ ўтган беш йил мобайнида экономикани ривожлантириш якунлари тўғрисида гапириб, саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва мамлакатнинг миллий даромади анча кўпайганлигини таъкидлаб ўтди. Партиянинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини юксалтириш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда, корхоналар ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари билан кенг қуламда таъминланди. Партия хўжалик қурилишида эришилган муваффақиятлардан фойдаланиб, совет кишиларининг фаровонлигини юксалтириш йўлини зўр қатъият ва изчиллик билан амалга оширмоқда.

Аввало мамлакатнинг шарқий қисмида бир қанча территориал ишлаб чиқариш комплексларининг вужудга келтирилганлиги ва ривожланганлиги актуал иқтисодий вазифаларни ҳал этишда муҳимдир. Бу комплекслар шу беш йиллигининг ўтган уч йили мобайнида нефть ва газ қазиб чиқаришнинг деярли бутун ўсишини, электр энергия ишлаб чиқариш, темир руда ва кўмир қазиб чиқариш ўсишининг талайгина қисмини таъминладилар.

Нотиқ яна бундай деди: КПСС Марказий Комитети капитал қурилиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Шу йилнинг планига мувофиқ бутун мамлакатда битказилмай қолган қурилишни қисқартириш, машина-ускуналар билан ривожланаётганлигини уқтириб ўтди. 1978 йилнинг якунлари тўқкизинчи ва ўнинчи беш йиллик йилларида республика эришган катта-катта муваффақиятларнинг аҳамияти қисмидир. Ўтган ўн йил ичида республика эришган муваффақиятлари учун, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун саккиз йил муттасил КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан тақдирланди. Ўтган сайловдан кейинги беш йил мобайнида республикада саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бир ярим баравар ошди. 1978 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 2 миллиард сўмлик бўлди. Бу эса ўтган сайловдан олдинги беш йиллигидаги ўртача йиллик ҳажмидан қарийб 800 миллион сўм кўп қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилганлигини билдиради.

Меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлиги анча ўсди. Миллий даромад беш йил ичида бир ярим баравар кўпайди.

1979 йилда республика олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди, деб таъкидлади нотиқ. Партия талаб этганидек бизнинг энг асосий мақсадимиз ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва бутун ишнинг сифатини тинмай оширишдан иборат. Республика меҳнаткашларининг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ҳам худди шу мақсадни назарда тутади.

Озарбайжон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан 1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантиришга, шу йилнинг ва умуман беш йилликнинг планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришга якдиллик билан қарор қилдилар.

Г. А. Алиев ўз нутқининг охирида Озарбайжон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари СССР Олий Советига сайлов кунида октябрь ишига, партия ишига содиқ эканликларини, КПСС XXV съезди белгилаган режаларни амалга оширишга қатъий аҳд қилганликларини яна бир марта намойиш қиладилар, деб ваъда берди. (ТАСС).

## Ўртоқ Арвид Янович ПЕЛЬШЕга

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, Сизни саксон ёшга тўлган кунингизда қизғин қутлайдилар.

Сиз партия ва давлат ишининг барча лавозимларида куч ва тажрибангизни коммунистик қурилиш ишига, марксизм-ленинизмнинг буюк идеалларига садоқат билан хизмат қилишга бағишламоқдасиз.

Азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Арвид Янович, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда партиямиз ва совет халқимиз бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни чин қалбимиздан тилаймиз.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ А. Я. ПЕЛЬШЕНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА ИККИНЧИ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Арвид Янович **Пельше Ленин ордени** ҳамда **иккинчи «Ўроқ ва болға» олтин медали** билан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Л. БРЕЖНЕВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.
1979 йил, 6 февраль.



# ҲАММА НАРСА ТАХТ

— Куни кеча матбуотда партиямиз Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барча сайловчилари, гражданларига мурожаати босилиб чиқди. Бизнинг сайлов участкамиз агитаторлари ҳам барча совет кишилари қатори бу муҳим ҳужжат билан атрофлича танишиб чиқдилар, — дейди пойтахтимиздаги 65-мактаб биносига жойлашган 51/104 сайлов участкаси агитпункт мудири А. Миррахимшоев, — КПСС Марказий Комитети бу мурожаатда шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнаткашларни СССР Олий Советига сайловни меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишга чақиради. 1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш, шу йилги планларни ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёздириш — бизнинг жанговар шиоримиздир.

Агитпунктда мамлакатимизнинг энг олий органларига бўладиган сайловларга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Агитаторлар ўзларига бириктирилган участкаларда катта тарғибот ишларини олиб боришмоқда, совет сайлов системаси ҳақида, Совет Иттифоқида бутун ҳокимият халқники эканлиги тўғрисида суҳбатлар ўтказишяпти.

Пунктда агитаторлар ва сайловчилар билан ўтказиладиган тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган. Шу сайлов участкасидан овоз берадиган Коммунист ва Фаол маҳаллаларнинг икки мингга яқин сайловчилари рўйхати барвақт тахт қилиб қўйилди. Ўша куни кексалиги ёки бетоблиги туфайли сайлов участкасига келолмайдиган сайловчилар ҳам ҳисобга олинган.

Сайлов участкасида агитпунктнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. 30 дан зиёд агитаторлар аввалига Октябрь район нотариал конторасн мудираси, юрист Ф. Гаффарованинг «Совет сайлов системаси дунёда энг демократик система» мавзуидаги суҳбатини эшитдилар. Агитатор совет сайлов системаси билан капиталистик сайлов системаси ўртасидаги туб фарқни конкрет фактлар асосида шарҳлаб берди. Сўнгра агитаторлар бир ҳафталик қилган ишлари юзасидан ахборот бердилар.

Агитпункт мудири А. Фатхулина, Н. Круглова, А. Попова, И. Кесельман, Д. Зонрова, П. Боровков сингари агитаторлар ишидан хурсанд бўлиб гапирди.

Бу ерда бўлажак сайловларга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. 4-март куни эрта билан сайлов участкасига келганлар халқимизнинг энг муносиб фарзандлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов ва пойтахтимиздаги 115-мактаб рус тили ўқитувчиси Мавжуда Саидовна Самадова номзодлари учун якдиллик билан овоз берадилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Суратда: 51/104 сайлов участкасининг бир группа агитаторлари қилинган ишларга якун ясашмоқда.

А. Абалян фотоси.




# «ҚЎРИҚ» ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

**Республикамизда, шу жумладан, пойтахт Тошкент областида сув хўжалиги қурилиши соҳасида бажарилаётган ишларнинг кўлами йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Айни маҳалда шу соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларига бўлган талаб ҳам кўчаймоқда. В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институти коллективи олиб бораётган изланишлар мелиорация-қурилиш соҳасида илмий техник тараққиётни таъминлашга, шу жабҳада амалиёт олдинга сураётган масалаларни ечишга қаратилган.**

Ўтган йил охирларида Тошкентда Иттифоқ мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги илмий-техника кенгашининг кўхна гидромелиоратив системаларини реконструкция қилиш масаласига бағишланган сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда кўпгина мутахассис инженер ва олимлар, йирик сув хўжалиги лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Нотиқлар масаланинг моҳияти тўғрисида гапириб, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асаридан келиб чиқадиган хулоса ва қоидалар қишлоқ хўжалиги, жумладан, сув хўжалиги ходимлари олдига муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйганлигини, эндиликда қишлоқ хўжалиги тараққиёти ишлаб чиқаришнинг интенсивлаш йўлидан янада қатъийроқ боражагини айтиб бердилар.

Маълумки, биринчи жаҳон урушига қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида 1,6—1,7 миллион гектар майдон суғорилган, ҳолос. Гражданлар уруши, босмачиликка қарши кураш йилларида ана шу ерларнинг ярмидан кўпи яроқсиз ҳолга айлантирилди, улардаги суғориш тармоқлари ва иншоотлар ишдан чиқарилди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида суғориладиган майдонлар зудлик билан эски чегараларда тикланди, ундаги суғориш шохобчалари қайтадан қурилди. Янгитдан кўпгина инженерлик типидаги ирригация объектлари барпо этилди. Кейинчалик бу ерларда икки марта кенг миқёсда реконструкция ва қайта қуриш ишлари олиб борилди. Натижада кенг кўламда планировка-текислаш ишлари бажарилди, суғориш майдонлари кенгайтирилди, эгатлар узунлиги орттирилди ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг иш унумдорлиги билан мослаштирилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати зовур ва инженер-дренаж системалари қуриш ҳисобига яхшиланди. Қатор суғориш системаларининг аҳволи сув узеллари, тўғонлар, сув омборлари қуриш ҳисобига такомиллашди.

Бажарилган ишларнинг ҳажми ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун қуйидаги рақамларга эътибор қилайлик: республикамиздаги мавжуд суғориш тармоқларида 100 мингдан ортиқ турли катта-кичикликдаги гидротехник иншоотлари қурилди, 16 минг километр узунликдаги каналларга бетон ётқизилди, 17 минг километрдан зиёд ёпиқ горизонталь-дренаж инженерлик системалари қурилди. Лекин Мирзачўл ёҳуд Қарши чўлларида шу кунларда қурилаётган суғориш тармоқлари, дренаж системаларининг техникавий даражасини кўхна суғориш тармоқлари билан таққослайдиган бўлсак, республикамиз сув хўжалиги ходимлари олдида йирик ва мураккаб муаммолар турганлигини кўрамиз.

Янги ўзлаштирилаётган ерлардаги суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,9—0,92 бўлса кўхна сув тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,6—0,7 ни ташкил этади, холос. Бу дарёдан чиқарилган сувнинг 30—40 проценти бефойда ерга сингиб ва ҳавога парланиб кетади, демакдир. Шу зайлда йўқолаётган сув миқдори 9 мингдан 17—18 минг куб метргача ўзгараётир.

Сув танқислиги йилдан-йилга кўпроқ сезилаётган бир пайтда сувдан тежабтергаб фойдаланиш масаласи муҳим ва актуал муаммолардан бирига айланиб қолмоқда.

Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ерларига олиб келгунга қадар ўн йиллар чамаси вақт кетади. Шу боисдан эндиликда ички резервларни, имкониятларни ишга солиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Кўхна суғориш тармоқлари реконструкциясини тугаллаш, ерларни капитал планировка қилиб, дренаж системаларини қуриш, суғориш техникасини такомиллаштириш, кенг миқёсда механизациянн жорий қилиш каби тадбирлар «Узгипроводхоз» лойиҳа институтининг ҳисобига кўра фақат Ўзбекистон ерларида 4—5 миллиард куб метр сувни тежаш имконини беради.

Кўхна суғориш шохобчаларини қайта қуриш, уларни бетонлаш ёки лоток системалари билан алмаштириш, баланд-пастликларни текислаш, очиқ-коллектор зовур системаларини ёпиқ горизонталь дренаж ёки тик дренаж системалари билан алмаштириш ҳисобига ерни фойдали ишлатиш коэффициентини ўртача 10—12 процент кўтариш мумкин, бошқача қилиб айтганда ҳозирги мавжуд суғорилаётган массивлар чегарасида қўшимча минглаб гектар янги ерларни очиш мумкин. Шуниси муҳимки, бу ерларни ўзлаштириш учун янги ер очгандагига нисбатан анча кам маблағ ва куч сарфланади.

Суғорилаётган карталар капитал планировка туфайли 2—3 гектардан 12—15 гектаргача йириклаштирилса серунум суғориш техникасидан самарали фойдаланиш, суғоришнинг механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган усулларини қўллаш имкониятлари туғилади. Умуман, ҳозирги замон қудратли қишлоқ хўжалик машиналаридан рационал фойдаланишга, демак, суғориладиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенг кўламда интенсивлаш йўлига ўтиш учун қулай шарт-шароит яратилган бўлади.

Кўриниб турибдики, кўхна гидромелиоратив системаларини, суғориладиган майдонларни реконструкция қилиш жуда мураккаб муаммо бўлиб, жуда кўп капитал маблағ, куч ва ресурслар талаб қиладиган проблемадир.

Мазкур проблеманинг ҳамма жиҳатларини илмий томондан чуқур асослаш учун лойиҳачи ва қурувчиларга мўлжалланган норматив ҳужжатлар, методик қўлланмалар ва тавсияномалар ишлаб чиқилиши керак. Шуни назарда тутиб, институтимиз ўзининг амалдаги беш йиллик илмий-текшириш иш планига мазкур проблемага оид кўплаб темаларни киритди.

Бизнинг институтимиз шу проблема бўйича Иттифоқ министрлигига қарашли йигирмадан ортиқ илмий-текшириш ва лойиҳа институтларига методик томондан етакчилик қилмоқда ва улар бажараётган тадқиқотларни координациялаштирмоқда. Ўтган йили тугатилган ишлардан бири «Хўжаликларга қарашли гидромелиоратив системаларни комплекс реконструкция қилиш бўйича тавсиялар» деб аталади. Бу «Тавсиялар» лойиҳа сифатида кўп нусхада босилди ва Иттифоқимиздаги барча манфаатдор қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотларига тарқатилди. Эндиликда у жойлардан олинган тақризлар асосида қайта ишлаб чиқилади ва Иттифоқ министрлигига тасдиқлаш учун ҳавола қилинади.

Шунингдек, коллективимиз «Энг биринчи галда реконструкция қилинадиган районларни танлаш методикаси»ни ҳам ишлаб чиқдилар. Ҳозир бу методика мутахассислар муҳокамасидан ўтмоқда.

САНИИРИ олимлари изланишлар олиб бораётган навбатдаги проблема — суғориладиган ерларнинг қайта шўрланиши ва унга қарши курашиш масалалари комплексидир. Бу соҳада қўлга киритган ютуқларимиз кўпончли бўлмоқда.

Тик дренаж системаларини, уларнинг конструкцияси ва қуриш технологияси, ишлатиш режимларини тадқиқ қилиб ишлаб чиқаришга жорий қилишда қўшган ҳиссалари учун институтимизнинг бир группа олимлари Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Шунингдек, очиқ ва ёпиқ зовурлар иш унумини оширишга хизмат қиладиган кучайтиргич, дренаж қудуқлари конструкцияси кабилар ҳам яхши самаралар берди. Олимларимиз горизонталь ёпиқ дренаж конструкциясини такомиллаштириш, уни қуриш технологиясини осонлаштириш устида иш олиб бориб, давлат лойиҳа конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда тирқишсимон горизонталь дренаж қурадиган комбайн конструкциясини яратдилар. Бундан ташқари амалдаги сопол қувурлар тузилишини соддалаштириб, фаскали қувурлар конструкцияси ишлаб чиқилди. Бу таклифлар комплекси жорий қилинганда ҳар юз километр дренаж қурилишида 200 минг сўмдан зиёд маблағ тежаб қолиш мумкин бўлади.

Янги қурилиш материаллари ва конструкциялар устида ишлаётган мутахассисларимиз полимер бетонлар коллектор қувурлари ясовчи автоматлаштирилган цех технологиясини таклиф қилдилар. Ўтган йили САНИИРИ бажарган йирик илмий муаммолардан бири — Сибирь дарёларининг сувини Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларига келтириш билан боғлиқ бўлган муҳим техникавий материалларни илмий асослаб беришдан иборат бўлди. Бу масалалар турли-туман бўлиб, техниканинг жуда кўп соҳаларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бу соҳада Иттифоқимизнинг юзга яқин илмий-текшириш ва лойиҳа ташкилотлари илмий қидирув ишларини олиб бормоқдалар.

Шунингдек, ўтган йили институтимизда давлат бюджети ҳисобига 1,4 миллион сўмлик, хўжалик-договор усули билан салкам 2 миллион сўмлик илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишлари амалга оширилди. Муҳими, шундаки, бу ишларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришга, буюртмачиларга ўз вақтида топширилди. Ўтган йили мутахассисларимиз ишлаб чиқаришга жорий қилган қатор таклифларнинг иқтисодий самараси 10 миллион сўмдан ошиб кетди.

Юқорида қайд қилинган илмий тадқиқотлар бажарилаётган ишларнинг кичик бир қисмини ташкил этади, холос. Шу кунларда институт коллективи мелиорация ва гидротехника фанининг ҳар хил соҳаларига оид 200 дан ортиқ илмий мавзулар устида иш олиб бормоқда.

Янги ерларни ўрганиш, гидромелиоратив системаларни эксплуатация қилиш, шу системалардан фойдаланишда автоматик системали бошқариш — АСУга ўтиш ва бошқа проблемалар шулар жумласидандир. САНИИРИ Иттифоқ мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли илмий текшириш даргоҳлари орасида етакчи институт ҳисобланади. Ирригация ва мелиорация соҳасида бажарилаётган ишларга илмий методик раҳбарлик қилиш ҳам институтимиз фаолиятининг бевосита вазифасидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» эсдаликлар китобининг эълон қилиниши институтимиз коллективини янгиянги ижодий ишларга руҳлантириб юборди. Зотан, биз бажараётган барча тадқиқотлар Ўзбекистон ва қардош республикалар қўриқ ерларини ўзлаштиришда кенг қўлланилмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бошланди. Институтимиз коллективи ўз зиммасига юкланган катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь пленумлари кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириш учун бутун маҳорат ва заковатларини сафарбар этадилар.

А. ҚОДИРОВ,
**В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти директори, техника фанлари кандидати.**



# СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

БУТУН мамлакатда бўлгани каби областимиз шаҳар ва районларида ҳам СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик муносабати билан меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги тобора ортиб бормоқда. Меҳнат коллективларида сайловларни янги ютуқлар билан муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

Куни кеча матбуотда КПСС Марказий Комитетининг СССР барча сайловчилари, гражданларига Мурожаати эълон қилинди. Эндиликда бошланғич партия ташкилотлари, агитатор ва сиёсий ахборотчилар ана шу ҳужжатда баён қилинган партиямиз сиёсатининг моҳиятини ҳар бир кишининг онгига етказиши даркор. (Марказий республика область газеталарининг 2 февраль сонлари».

Оғзаки сиёсий агитация кадрлари учун семинар ўтказиб, унда қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади:

**Оммавий агитация иши** («Агитатор», 1-сон, 26—28, «Ўзбекистон агитатори» 2-сон, 16—18-бетлар).

**Обком ва идеологик кадрларни тарбиялаш** («Партия турмуши» 1-сон, 68—73-бетлар.)

Февраль ойида суҳбатлар ва сиёсий ахборотлар ўтказиш учун қуйидаги материаллар ва мақолалардан фойдаланинг.

### МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

**Тошкент область XIX партия конференциясининг материаллари** (Республика, область газеталарининг 31 январь ва 1 февраль сонлари).

**СССР Олий Советига сайловлар олдидан** («Партийная жизнь», 1-сон, 7—13, 2-сон, 4—7, «Агитатор» 1-сон, 20—26, 2-сон, 34—37, «Ўзбекистон агитатори» 2-сон, 13—15-бетлар).

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области меҳнаткашларининг 1979 йил учун социалистик мажбуриятлари** (Область газеталарининг 20 январь сонлари).

**Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларида партия кадрлар сиёсати ленинча принципларининг ижодий ривожлантирилиши** (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 2-сон, 15—23 бетлар).

**Жанговар шон-шуҳрат саҳифалари. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти кунига.** («Агитатор», 1-сон, 42—44 бетлар).

**Улуғ Ватан урушн қатнашчиларн тўғрисида ғамхўрлик.** («Партийная жизнь», 1-сон, 52-54 бетлар).

### МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

**Ўзбекистон ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида** («Экономика и жизнь», 1-сон, 2—6-бетлар).

**Беш йиллик эстафетаси** («Агитатор», 1-сон, 2—4, «Политическое самообразование» 1-сон, 9—16 бетлар).

### СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

**Мўлжалланган барча объектларни ишга туширайлик.** («Правда» газетасининг 2 февралдаги бош мақоласи, «Агитатор», 2-сон, 20—22 бетлар).

**Иқтисод ва тежамкорлик — умумхалқ иши.** («Политическое самообразование» 1-сон, 17—24 бетлар).

**Иқтисодий манфаатлар ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши** («Правда»нинг 2 февраль сони, «Политическое самообразование» 1-сон, 25—33, «Агитатор» 2-сон, 5—7, «Ўзбекистон агитатори» 1-сон, 11—13 бетлар).

**Фермалар маҳсулоти кўпайсин** («Правда»нинг 24 январдаги бош мақоласи).

**Меҳнат коллективининг маънавий-руҳий вазияти.** («Политическое самообразование» 1-сон, 45—54 бетлар).

### ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

**Саноат ва фаннинг ҳамкорлигини кенгайтириш — ҳаётий заррурат.** («Коммунист», 1-сон, 37—45 бетлар).

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — халқаро проблема.** («Международная жизнь», 1-сон, 114—119 бетлар).

**Ўзбекистон ССР аҳолиси** («Ўзбекистон коммунисти», 1-сон, 60—64 бетлар).

**Дунёда озиқ-овқат проблемасини ҳал қилиш йўлидаги изланишлар** («Международная жизнь», 1-сон, 70—79 бетлар).

**Бўш вақт — ижтимоий бойлик** («Ўзбекистон коммунисти» 1-сон, 60—64 бетлар).

### ХАЛҚАРО АҲВОЛ:

**Тинчлик ва стабилликнинг қудратли омили** («Международная жизнь», 1-сон, 5—16 бетлар).

**Совет Иттифоқининг ядровий қуролсизланиш учун кураши.** («Международная жизнь» 1-сон, 80—90 бетлар).

**Халқаро обзор** («Международная жизнь» 1-сон, 150—158 бетлар).

**Капитал мамлакатларида ишчилар синфи омма курашига бошчилик қилмоқда** («Политическое самообразование» 1-сон, 77—85 бетлар).

**Миллий озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари ва уларнинг жаҳондаги муносабатларга таъсири.** («Международная жизнь, 91—101 бетлар).

**Японниянинг милитаризация қилиниши** («Международная жизнь», 1-сон, 120—121 бетлар).

**АҚШ конгресси ва Америка ташқи сиёсати** («Международная жизнь», 1-сон, 122—125, «Агитатор» 2-сон, 47—49 бетлар).

**АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетига хати.** («Коммунист», 1-сон, 97—110 бетлар).

**Айёрона иш.** («Правда»нинг 23 январь сони, «Международная жизнь» 1-сон, 50—61 бетлар).

**ЭСЛАТМА: Суҳбатлар ва сиёсий ахборотларга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий фактлар, мисоллар ва рақамлардан фойдаланишни тавсия этамиз.**

# ЯНГИ МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Оққўрғон район партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда район партия комитетининг иккинчи секретари Ш. Қ. Гатаулин «Қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, қурилиш ва алоқа корхоналарининг 1978 йилги иш натижалари ҳамда 1979 йилда район партия ташкилоти олдида турган вазифалар» ҳақида доклад қилди.**

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Алимкентдаги 46-автокорхона директори Э. Назаров, «Партия XXII съезди» колхози раиси Р. Эгамбердиев, «Оққўрғон» совхозининг бош агрономи А. Ковшутов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Партия-хўжалик активи йиғилишида район меҳнаткашларининг 1979 йил учун социалистик мажбуриятн қабул қилинди.

П. ЭРГАШЕВ.

# ЁШ ИЛМ СОҲИБЛАРИ

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти маданият саройида Тошкент шаҳри ўқувчилари илмий жамиятларининг биринчи таъсис сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мактаблар, илмий-текшириш ва конструкторлик бюролари ҳузурида ташкил этилган илмий жамиятлар секцияларн раҳбарлари, ёш мутахассислар Советларининг раислари қатнашдилар.

Йиғилишда сессиянинг устави, иш плани, консультация Совети, кураторлар Совети тасдиқланди. Илмий жамиятларнинг актив аъзоларига совғалар топширилди.

БИР ЖАНГНОМА ТАРИХИ

# ЖАСОРАТ ҚИССАСИ

МАКТАБ-интернат ўқувчилари тушган автобус қишлоқ йўлларини орқада қолдириб, қалин ўрмон ичига кириб кетди. Қадим замонлардан буён табиатнинг сокин гўшасига айланган яшил дарахтзорлар аёзли куз шамолидан оҳиста шовуллаб турар эди. Ерда уюлиб ғарам бўлиб ётган яроқлар машина ғилдиракларига ёпишарди.

Машина бир соат чамаси йўл босгандан кейин ўрмон ўртасидаги ялангликка келиб тўхтади. Ўқувчиларни ўрмонга — партизанларнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қароргоҳига олиб келган ўқитувчи Анатолий Петрович Протасевич ўрнидан қўзғалиб, бизнинг ёнимизда ўтирган Владимир Павлович Дерябинга: — Уйимизга келдик, — деди.

Владимир Павлович ўрнидан вазмин кўтарилиб, хаяжон ичида ерга тушиб сўнг бизларни қарағайзордаги қадимий тарихий жойларига бошлаб кетди. Булар партизанлар яшаб, қароратон қиш вақтларида жон сақлаган ертўлалар қасоскорларининг оғир йиллардаги истиқомат жойлари йиллар ўтиши билан ўпирилиб, ёғочлари чириб, том-тепалари нураб, ўт-алафлар ичида қолиб кетган. Владимир Павлович ертўла ичига кириб, занглаб, пачоқланган ва бир неча жойи ўқ билан тешилган челакни олиб чиқди ва уни бизларга кўрсатиб деди: — Бундан отрядимиз сув ичган. Буни Ғанитой топиб келган эди.

Ғанитой!... Тошкентлик йигит, белорус партизани, Улуғ Ватан уруши қаҳрамони. Минск яқинидаги ўрмонларда мисли-сиз жасорат кўрсатиб, тенгсиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган паҳлавон. Унинг хотираси эл ёдидан кўтарилмаган. Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти китобхонларга тақдим этган «Жангларда тобланганлар» ҳужжатли таржима киссани ўқиб, ўша Ғанитой фашистларга даҳшат солган жойларда бўлганимизни, «Искра» партизанлар отрядининг кўркмас, қасоскор баҳодирларининг душман орқасида олиб борган беқиёс жасоратларини кўз олдимизга келтирдик!

1969 йилнинг ноябрь сийда фронтчи қаламкаш дўстим Адҳам Раҳмат билан Белоруссиянинг Смолевичи райончида бўлган эдик. Бу районда Улуғ Ватан уруши йилларида бир қанча партизанлар отрядлари фашист босқинчиларга қарши баҳодирона кураш олиб борганлар. Шундай отрядларнинг бирида тошкентлик жангчи йигит Ғанитой Тошниёзов бўлган. «Жангларда тобланганлар» китобини ўқиб, ўша жанггоҳларни ва у ерларда фашист босқинчиларга даҳшат солган халқ қасоскорларини яна бир бор эсладик. Биз Смолевичи ўрмонларида бўлганимизда «Искра» партизанлар отрядининг командири, бир қанча жанговар орденлар ва медаллар кавалери В. П. Дерябин билан учрашиб, у билан партизанлар ҳаракат қилган жойларни бориб кўрдик ва улар ҳақидаги хотираларни эшитдик.

Смолевичи район меҳнаткашлари Ғанитойни унутмаганлар. У дафн этилган жойга гуллар ўтказиб, у ерни зиёратгоҳга айлантирганлар. Мактабда музей ташкил этганлар.

Ғанитой ва унинг баҳодир дўстларининг қаҳрамонликларн қалам соҳибларини илҳомлантириб келган. Ана шундай ёзувчилардан бири львовлик адиб Василий Антонович Зеленскийдир. У Белоруссия ўрмонларида гитлерчиларга қарши курашган партизан, ўз ҳамшаҳари Паша Хованская деган ёш қиз билан танишади, ундан партизанлар ҳаракатида иштирок этган халқ қасоскорлари ҳақидаги хотираларни эшитиб, улар ҳақида китоб ёзишни ният қилади. Шу мақсадда Минскка келиб, республика партия институти архивидаги ҳужжатлар билан танишади, партизанлар ҳаракатларида қатнашган кишилар билан суҳбатлашади ва улардан Ғанитой тўғрисида қизиқ-қизиқ воқеаларни эшитади.

Китоб муаллифи Ғанитойнинг Тошкентдаги қариндошларига хат ёзиб, баҳодир жангчининг армиягача бўлган ҳаёти ҳақида маълумотлар тўплайди. Ўзининг бир хатида бундай деб ёзган эди: «Мен узоқ муддат Белоруссия КП Марказий Комитети партия тарихи институтининг архив ҳужжатларини ўргандим. Уларни ўрганиш натижасида менга қуйидагилар аён бўлди: «27/X-1943 йилда «Искра» партизанлар отрядининг кўмондонлиги (командири ўртоқ В. П. Дерябин, комиссар ўртоқ Е. А. Шчербаков, штаб бошлиги ўртоқ И. В. Локтионов) қўпорувчилар группасининг командири Ғанитой Тошниёзовни олий унвон — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлигига тавсия этганлар. Тошниёзовнинг жанговар хизматларини юксак баҳолаб, «Разгром» партизанлар бригадасининг кўмондонлиги «Искра» отряди раҳбарларининг тавсияномаларини қувватлади ва мукофотлаш ҳужжатларини партизанлар ҳаракатининг марказий штабига юборди. Бу воқеа «Разгром» бригадаси тарихида бундай ёзилган: «Ғанитой Тошниёзов... Эшелонларни портлатиш бўйича ташаббускор... Унинг номи бригада ташкарисида ҳам машҳур... Душманнинг 14 эшелонини ҳалокатга учратди. Бригада кўмондонлиги ўртоқ Тошниёзовни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини беришга тавсия этади».



Республикамиз пойтахтидаги «Малика» трикотаж-ишлаб чиқариш бирлашмасида ютуқлар омили ҳисобланган социалистик мусобақани авж олдириш, унинг янги-янги формаларини жорий қилишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббусига қўшилган ишчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Тўқув цехининг моҳир чеварн Машкура Қодирова ҳам ана шу ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқда. У имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўнинчи беш йиллик топшириғини узоғи билан уч йилда бажаришга аҳд қилган эди. Меҳнатсевар трикотажчи ўз ваъдасининг устидан чиқди. Ўтган йилнинг август ойидаёқ беш йиллик шахсий нормасини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. М. Қодированинг ҳар сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 200 процент ва ундан ошиқроқни ташкил этмоқда. Ушбу суратда донгдор ишчи Машкура Қодировани кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.



Ўзбекистон ССР бадний фонди, амалий санъатнинг Тошкент экспериментал-ижодий комбинати коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Бу ерда тайёрланаётган турли-туман сопол идишлари харидорларга манзур бўляпти. Уларни мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳар ва областлари меҳнаткашлари ҳам харид қилмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, корхонада маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам катта эътибор берилляпти. Суратда: сараловчи-контролёрлар тайёр маҳсулотларнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

# АСОСИЙ ЭЪТИБОР — СИФАТГА

(ОБЛАСТЬ ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ХОДИМЛАРИ АКТИВИ ИИҒИЛИШИДАН)

Тошкент область ижроия комитетининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича бошқармаси корхона ва ташкилотлари коллективлари ўтган йилни бир қанча меҳнат ютуқлари билан якунладилар. Бошқармаиинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти якунлари 6 февраль куни бўлиб ўтган актив йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи А. Ф. Саидов ўз докладида матбаачилар эришаётган меҳнат муваффақиятлари ҳақида батафсил тўхталди. Маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича 1978 йил плани 21 декабрда бажарилди. Барча корхоналар зиммаларидаги мажбуриятларни уддаладилар. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига пландан ташқари кўплаб маҳсулот олинди. Область матбаачилари беш йилликнинг уч йили планини муддатидан олдин — 25 октябрда адо этдилар, ҳозирги кунда 1979 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишламоқдалар.

Ўтган йили меҳнат муваффақиятлари учун Бекобод шаҳри ва Ўрта Чирчиқ район босмахоналарининг коллективларига СССР нашриёт, полиграфия, китоб савдоси бўйича Давлат комитети, маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитети ва маданият ходимлари касаба союзи Республика Комитетининг кўчма Қизил байрогини олишга Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Ўрта Чирчиқ район босмахоналарининг коллективлари сазовор бўлишди. Ана шу коллективлар, уларга тенглашаётган Ангрен босмахонаси ходимлари технологик ускуналардан моҳирона фойдаланиш натижасида ҳар бир ишловчи ҳисобига меҳнат унумдорлигининг юқори кўрсаткичига эришдилар.

Докладда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг муҳим омили сифатида полиграфия корхоналари моддий техника базаларини мустаҳкамлаш алоҳида қайд қилинди. Корхоналар қувватини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Айрим босмахоналарни капитал ремонт қилиш, бошқа босмахоналарнинг асосий цехларини реконструкция қилиш, янги корхоналар қурилиши планли равишда олиб борилаяпти. Бутуниттифоқ «Офсет-78» кўргазмасида Чирчиқ босмахонаси мураккаб офсет босма технологиясини қўллаганлиги натижасида шаҳар газетаси юқори баҳо олди. Бугунги кунда офсет босма усулини қўллаётган чирчиқликлар тажрибаси областимиз ва республикамизнинг кўплаб полиграфия корхоналари томонидан ўрганилмоқда.

Матбаачилар кундан-кунга маҳсулот сифатини ошириб бориш шаҳар ва район газеталарини полиграфик жиҳатдан безашга бағишланган турли конкурсларда актив иштирок этишмоқда. Республика конкурси натижаларига кўра Ғалаба, Ўрта Чирчиқ ва Пискент районлари газета редакциялари ва босмахоналари голиблик номини қўлга киритишди.

Ўтган йили область китоб савдоси ходимлари ҳам яхши самараларга эришдилар. Давлат плани ва социалистик мажбуриятлар муддатидан олдин бажарилди, товар оборотн анча ўсди. КПСС XXV съезди, СССР янги Конституциясига бағишланган материаллар кенг пропаганда қилиниб, тарқатилмоқда. Барча китоб магазинларида «КПСС XXV съезди қарорлари ҳаётга», «Ривожланган социализм Конституцияси», «Совет Ўзбекистони» ва бошқа мавзулардаги кўргазмалар, махсус витриналар ташкил қилинган.

Магазиндан ташқари китоб савдоси формаси тобора кенг ёйилмоқда. Бундай савдо нашрларни умумий реализация қилишнинг 40 процентини ташкил қилади. Ўтган бир йил ичида марказий кўча ва майдонларда 35 марта катта китоб бозорлари уюштирилди. Бир неча марта китоб байрамлари ўтказилди. Ангренда «Китоб сенинг дўстинг ва маслаҳатгўйинг», Олмалиқда «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» ва Чирчиқда «Китоб байрами» каби тадбирлар ўтказилди.

Область китоб савдоси бўлими ўтган йилнинг иккинчи ва учинчи кварталларида Бутуниттифоқ мусобақасининг натижаларига кўра СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бўйича Давлат комитети ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан кишилар область полиграфия корхоналари, ташкилотлари ва китоб савдоси фаолиятидаги камчиликларга эътиборни қаратдилар. Бўстонлиқ район босмахонаси маҳсулот реализацияси бўйича йиллик планни бажараолмади. Ишчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва рационал фойдаланишга монелик қилмоқда. Бўстонлиқ, Бўка, Оржоникидзе, Коммунистик район босмахоналари меҳнат унумдорлиги бўйича область даражасидан пастдир. Айрим жойларда босма маҳсулотларни чиқариш ва реализация қилиш ритми бузилишига йўл қўйилмоқда.

Бўстонлиқ ва Оржоникидзе район босмахоналари газеталарни ўз вақтида чиқармаётганликлари тўғрисидаги фактга бефарқ қараб бўлмайди. Газета саҳифалари ва бошқа босма маҳсулотларининг сифати ҳамма жойда ҳам қониқарли эмас.

Актив йиғилишида область китоб савдоси ва унинг филиаллари, айниқса Бекобод ва Янгийўл китоб савдоси ходимлари номига танқидий фикрлар айтилди. Аҳоли жон бошига китоб сотиш бўйича область республикада бешинчи ўринни эгаллаб турганлиги, албатта, кўнгилли эмас. Харидорлар талабини ўрганиш ва ташкил қилишда ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Баъзи магазинларда харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятига, совет савдоси қоидаларига тўлиқ риоя қилинмайди. Китоб базаси, китоб сақланадиган омборхоналар шу кун талабларига жавоб бермайди. Китоб савдосининг янги прогрессив шаклларини ривожлантириш, шу мақсадларда жамсотчилик асосидаги китоб магазинлари тармоғини кенгайтириш лозим.

Доклад бўйича музокараларда область китоб савдосининг бошлиғи А. Оргиқов, Бўка район босмахонасининг печатниги Ғ. Сулкаев, Бекобод шаҳар босмахонасининг директори Ю. Мансуров, Ангрен босмахонасининг инженери Ю. А. Югай, область китоб савдоси бўлимининг Чирчиқ филиали директори Р. Латипова, Калинин район «Ленинчи» газетасининг редактори Ҳ. Қаюмов, Китобсеварлар жамияти область бўлими правлениеси раисининг ўринбосари Қ. Қамбарова иштирок этдилар.

Актив йиғилишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев нутқ сўзлади.

Тошкент область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармаси ходимларининг 1979 йилги социалистик мажбуриятлари ва область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ходимларига Мурожаат қабул қилинди.

Актив йиғилиши ишида Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бўйича Давлат комитетининг раиси З. И. Есенбоев, Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева қатнашдилар.

## ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ЮТУҒИ

«ОҲАНГАРОН» совхозида 1978 йилда пландаги 1 миллион 245 минг дона ўрнига 1 миллион 327 минг 685 дона тухум етиштирилди. Ҳар бир товуқдан 142 донадан тухум олинди. Давлатга 25 тонна гўшт топширилди. Бу ютуқларни қўлга киритишга паррандабоқарлардан Жамолхон Тўраҳонов, Тўйчи Фармонов, Абдушукур Эржонов, Ҳасанбой Асқаров, Бўвайша Ўтаевалар муносиб ҳисса қўшдилар.

1979 йилда 1,5 миллион дона тухум ва 50 тонна парранда гўшти етиштирилади. Янги типдаги товуқхона қурилиб ишга туширилади. Унда 14 минг товуқ боқилади. Ҳамма ишлар техника ёрдами билан бажарилади.

1980 йилга бориб ферма да камида 2 миллион дона тухум ва 100 тонна парранда гўшти етиштириш мумкин бўлади.

**Т. ХУШНАЗАРОВ,**
**«Оҳангарон» совхози.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

## ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА

**ВЬЕНТЬЯН, 6 февраль.** (ТАСС). Лаос халқ революцион партияси марказий комитетининг бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг бош министри Кейсон Фомвихан бу ерда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов бошчилигидаги совет-ҳукумат делегацияси билан учрашди. Икки ўртада самимий дўстона суҳбат бўлди.

Лаос халқи, деди Кейсон Фомвихан, улуғ рус халқи билан мустаҳкам қардошларча муносабатларда бўлганлиги туфайли фахрланади. Лаос революциясининг ғалаба империалистик агрессияга қарши, миллий мустақиллик учун қураш олиб борилган йилларда КПСС-нинг, Совет ҳукумати ва халқининг Лаос халқини кенг кўламда қўллаб-қувватлаганлиги ва унга самарали ёрдам берганлиги билан чамбарчас боғланган. Советлар мамлакати социалистик қурилишда бизга ҳамон бебаҳо ёрдам бериб келмоқда. Бу эса КПССнинг социалистик интернационализм идеалларига содиқ эканлигини исбот қилади.

КПСС билан ЛХРП, СССР билан ЛХДР ўртасида, совет халқи билан Лаос халқи ўртасида қардошларча дўстлик, бирдамлик ва ҳамкорлик муносабатлари, деб таъкидлади Кейсон Фомвихан, муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Бу муносабатлар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган.

Кейсон Фомвихан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашувлари тўғрисида зўр иштиёқ билан гапирди. Ана шу учрашувлар давомида ҳар икки томон партияларимиз ва давлатларимиз ўртасида қардошларча алоқаларни, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилаётганлиги яна бир марта таъкидлаб ўтилди.

Кейсон Фомвихан ўртоқ Л. И. Брежневга, КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг бошқа аъзоларига, бутун совет халқига коммунистик қурилиш ишида муваффақиятлар қозонишларини истаганлигини билдирди.

Кейсон Фомвихан Кампучиядаги революцион ватанпарвар кучларнинг халққа қарши қаратилган Пол Пот—Иенг Сари режими устидан қозонган ғалабасига юксак баҳо берди. Бу ғалаба мамлакатнинг собиқ ҳукмдорларн Кампучия халқини жабр-зулм ва қулфатларга дучор қилган оғир кунларга чек қўйди. Бу ғалаба блокларга қўшилмаган ва социализм сари олға бораётган тинч, мустақил, демократик, бетараф Кампучияни барпо этиш учун яхши имкониятлар яратиб берди. Кампучия Халқ Республикасининг вужудга келиши, деди у, жаҳондаги барча халқларнинг империализмга, халқаро реакция кучларига қарши курашида уларни илҳомлантирувчи қудратли омил бўлиб, Лаос, Вьетнам ва Кампучия халқларининг қардошларча бирдамлик ришталари мустаҳкам эканлигини кўрсатади.

**1979 ЙИЛ — Намибия халқи билан халқаро бирдамлик йилидир. Намибия халқи ўз авангарди Жанубий-Гарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) раҳбарлигида Жанубий Африка босқинчиларига қарши, ўз Ватанининг чинакам мустақиллиги учун муваффақиятли озодлик кураши олиб бормоқда. Бу кураш аҳолининг ҳамма қатламлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Суратларда: Виндхук шаҳрида СВАПО билан бирдамлик митинги.**

**СВАПО ахборот бюросининг журналидан олинган иккинчи суратда ҳарбий тайёргарлик юзасидан ўтказилаётган машғулот пайти ифодаланган.**

**ТАСС фотохроникаси.**





## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **ВАРШАВА.** Польшада республика корхоналари ишлаб чиқаришга киритган биринчи рангли телевизорга «Юпитер» деб ном берилди. Уларнинг 1.000 га яқин дастлабки синов нусхалари бозорда магазинларга чиқарилади.

● **ТРИПОЛИ.** Деҳқонлар ва кооперативлар умумараб федерациясининг биринчи конференцияси Ливия пойтахтида ўз ишини бошлади. Ироқ, Сурия, Ливия, демократик Яман, Ливан ва бошқа араб мамлакатларининг намояндалари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар, янги ташкилотнинг уставини ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар, унинг раҳбар органларини сайлайдилар.

(ТАСС).

# ЭРОНДАГИ АҲВОЛ

**ТЕҲРОН, 6 февраль.** (ТАСС). Бугун Теҳрон, Табриз, Исфаҳон, Карманшоҳ, Зоҳидон шаҳарлари ва бошқа шаҳарларда оппозиция бошлиғи Ҳумайни тайинлаган Эроннинг муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаш юзасидан оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Шоҳга содиқ бўлиб қолаётган ҳарбийлар намойишларнинг қатнашчиларини қўрқитишга уриниб, Эрон пойтахтида ўз кучларини намойиш қилдилар. Ҳумайни тарафдорлари биланлиқ тўлган кўчалар устида камида 20 та ҳарбий вертолёт муттасил айланиб турди, вақти-вақти билан «Фантом» қирувчи самолётлари қаттиқ шовқин солиб учиб ўтиб турди. Қўшинлар маҳлис биноси атрофини қуршаб олдилар. Бахтиёр қарорғоҳини, министрликларнинг бинолариии зич ўраб олдилар.

«Кейхан Интернейшнл» газетасининг хабар қилишича, кеча Теҳрон гарнизонининг ва Лавизандаги ҳарбий-ҳаво кучлари базасининг қўшинлари оширилган жанговар тайёр ҳолга келтириб қўйилган. Тўплар ва ракеталарнинг чехолларн олиб қўйилган. Эрон қуруқликдаги қўшинларининг қўмондони генерал Бадраий шундай буйруқ берган.

«Теҳран жорнэл» газетасининг хабарига кўра, шоҳ гвардиясининг оппозицияга нисбатан агрессив кайфияти анча кучли.

«Улар атиги 20 минг киши бўлсада, лекин Лавизан гарнизони энг даҳшатли техника турлари билан тўлиб тошган», — деб ёзади газета.

Айни вақтда, «Кейхан Интернейшнл» газетасининг қайд этишича, собиқ офицерлардан бир неча юз кишн шу жумладан шоҳга қарши оппозицияда бўлганлиги учун кейинги йилларда армиядан бўшатилган бир қанча генерал Ҳумайнини қўллаб-қувватлашларини билдирди. Ана шу офицерларнинг ҳаммаси, деб уқтирди газета, ҳозиргача ҳам армия билан қалин алоқада бўлиб зўр нуфузга эгадирлар. Эроннинг Ҳамадон яқинидаги Шоҳроҳий ҳарбий-ҳаво кучлари базасида 3 минг учувчи Ҳумайнини қўллаб-қувватлаб, намойиш ўтказди. Шулардан 800 киши қамоққа олиниб, судга берилди.

Мамлакатда вужудга келган амалдаги қўш ҳокимият шароитида оппозиция вакилларидан тузилаётган маҳаллий маъмурият тобора актив иш кўрмоқда. Эроннинг кўпгина шаҳарларида ёш кўнгилларнинг дружиналари кечалари кўчаларда соқчилик қилмоқда. Уларнинг вазифаси шаҳарни жиноятчи унсурлар ва қора гуруҳчи безориларнинг талон-тарожидан, бебошликларидан ва ўт қўйишларидан муҳофаза қилишдир. Қора гуруҳчи безориларнинг шайкалари бутун мамлакатда ҳаракат қилмоқда, САВАК маҳфий полицияси уларга йўл йўриқ бериб турибди.

Қум шаҳрида ҳокимиятнинг маҳаллий маъмурий органлари янгидан тузилди. Бу ерда Бахтиёрнинг фармойишлари бутунлай инобатга олинмаяпти. Давлат хизматчилари буйруқларни оппозиция арбобларидан олишмоқда.

Ҳумайни тайинлаган муваққат ҳукумат бошлиғи Бозоргон менинг ҳукматим мамлакатда реал ҳокимиятни амлга оширади, деди. У даставвал умуммиллий референдумни ўтказишга тайёргарлик билан шуғулланишини маълум қилди. Бозоргон шоҳ тайинлаб қўйган Бахтиёр ва уни қўллаб-қувватлаётган генераллариинг дўқ-пўписалари тўғрисида тапириб, бундай деди: «Биз ҳаммамиз ўқларга кўкрагимизни қалқон қилишга тайёрмиз. Ҳеч қандай дўқ-пўписалар халқнинг хохиш-иродасини ўзгартира олмайди».

Шу муносабат билан «Теҳрон жорнэл» газетаси бугунги сонида Эрондаги аҳволни анализ қилиб, оппозиция жуда кўнгилсиз бўлган жараённи Эрон генераллари ёрдамида тўхтатиб қолишга ҳали ҳам умид қилётган бўлсада Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқда ҳар эҳтимолга қарши янги таянч пунктларини ислаб бошлади. АҚШ мудофаа министри Г. Браун шу мақсадда яқин кунлар ичида Саудия Арабистони, Иордания, Исроил ва Мисрга бориб, у ерда, жумладан ўзининг ҳарбий техникасини, электрон ва жосуслик ускуналарини Эрондан шу мамлакатларга кўчириб келтириш эҳтимоли тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Г. Браун сенат ташқи ишлар комиссиясининг мажлисида сўзга чиқиб шуни таъкидладики, Эрон АҚШдан харид қилиши лозим бўлган ва битимларда кўзда тутилган 12 миллиард долларлик замонавий ҳарбий техникадан 7 миллиард долларлик техниканн сотиб олмайдиган бўлди.

«Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича, Миср президенти Садат шоҳ Асвонда бўлган вақтда унга ҳозирги вақтда Эронда бўлган Америкаиинг ғоят маҳфий қуролини «асраш учун» Мисрга беришни таклиф қилган. Жумладан гап «Ф-14» қирувчи самолётлари тўғрисида борган. Бироқ Америка маъмурнятининг вакиллари хавфсираб, бундай самолётларнинг Мисрга берилиши «Исроилни ташвишлантириб қўйиши» мумкин, чунки бу самолётлар энг замонавий «Феникс» ракеталари билан таъминланган бўлиб, дейишди. Газета Америка маъмурияти вакилларига таяниб шундай деб ёзди.

АҚШ штаблар бошлиқлари комитетининг раиси ҳарбий-ҳаво кучлари генерали Жоунс «шундай мураккаб вазиятда Эрон ҳарбийларининг бирлигига ишонч» билдирди.

Гарчи Қўшма Штатлар Эронда авж олиб кетган империализмга қарши халқ ҳаракати натижасида у ерда содир бўлаётган ва ўзи учун жуда қўнгилсиз бўлган жараённи Эрон генераллари ёрдамида тўхтатиб қолишга ҳали ҳам умид қилётган бўлсада Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқда ҳар эҳтимолга қарши янги таянч пунктларини ислаб бошлади. АҚШ мудофаа министри Г. Браун шу мақсадда яқин кунлар ичида Саудия Арабистони, Иордания, Исроил ва Мисрга бориб, у ерда, жумладан ўзининг ҳарбий техникасини, электрон ва жосуслик ускуналарини Эрондан шу мамлакатларга кўчириб келтириш эҳтимоли тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Г. Браун сенат ташқи ишлар комиссиясининг мажлисида сўзга чиқиб шуни таъкидладики, Эрон АҚШдан харид қилиши лозим бўлган ва битимларда кўзда тутилган 12 миллиард долларлик замонавий ҳарбий техникадан 7 миллиард долларлик техниканн сотиб олмайдиган бўлди.

«Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича, Миср президенти Садат шоҳ Асвонда бўлган вақтда унга ҳозирги вақтда Эронда бўлган Америкаиинг ғоят маҳфий қуролини «асраш учун» Мисрга беришни таклиф қилган. Жумладан гап «Ф-14» қирувчи самолётлари тўғрисида борган. Бироқ Америка маъмурнятининг вакиллари хавфсираб, бундай самолётларнинг Мисрга берилиши «Исроилни ташвишлантириб қўйиши» мумкин, чунки бу самолётлар энг замонавий «Феникс» ракеталари билан таъминланган бўлиб, дейишди. Газета Америка маъмурияти вакилларига таяниб шундай деб ёзди.

Ғанитой партизанлар бригадасида ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган жангчи эди. Унинг номини фақатгина партизанлар билиб қолмай, балки Белоруссиянинг Минск областдаги кўп районларининг аҳолиси ҳам катта ҳурмат билан тилга олганлар.

Тошниёзовнинг номини Белоруссия республикасида ҳозирги кунгача кўп кишилар ўз юракларида ҳурмат билан сақлаб келмоқдалар. Биз бунга «Искра» партизанлар отрядининг собиқ командири В. П. Дерябин билан «Разгром» бригадаси ҳаракат қилган районларда бўлганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ғанитой дафн этилган Смолевичи районидаги Клиник қишлоғининг пионерлари ва комсомоллари унинг ёркин хотирасини муқаддас хотирлаб келмоқдалар.

Мен Ғанитой ҳақида китоб ёздим. Мен китобимга танқидчилардан, Минскдаги Ватан уруши музейи ходимларидан ва партизанлар ҳаракати қатнашчиларидан ижобий баҳо олдим. Мен китоб нашр этилади, деган умиддаман. 9 февралда Ғанитой ҳалок бўлганига 24 йил бўлади. Мен бу воқеани Тошкент газеталари нишонлаб ўтишларини жуда-жуда истар эдим.

Ҳурмат билан В. А. Зелинский, 1965 йил, 26 январь, Львов».

Уруш олдин Минск область партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган, уруш йилларида партизанлар отрядининг комиссари бўлган Иван Леонович Сацункевич 1969 йилда Минскда нашр этилган «Шиддатли воқеалар» хотиралар китобида бундай ёзади: «Белоруссия КП МК партия тарихи институти архивида ўша йилларга характерли бўлган ҳужжат — «Искра» отряди бўйича чиқарилган бир буйруқ бор. Унда бундай дейилган: «Буйруқ. 1944 йил 11 февраль. Соат 15.00. Лагерь. 1944 йил 9 февралда Смолевичи районининг Смихи қишлоғи атрофида бўлиб ўтган тўқнашув жангида Ватан ҳоинларининг ёвуз қўлида бўлинма командири ўртоқ Ғанитой Тошниёзов оғир яраланади. У қуршовда қолади, яраддор ҳолда душман қўлига тушмаслик учун наганидан ўзига ўқ узиб ҳалок бўлади. 10 февраль соат 00 дан то 13 февраль соат 20.00 вақтгача барча шахсий состав учун мотам деб эълон қиламан. 2-рота командири салют учун взвод ажратсин. Бўлинма командири ўртоқ Тошниёзов бўлинма рўйхатидан ўчирилмасин!».

«Жангларда тобланганлар» китобининг муаллифи ўзи юқорида келтирган мактубда таъкидлаб ўтганидек, у кўп ҳужжатларни ўрганган ва жангларда бевосита қатнашган ва Ғанитой билан бирга гитлерчи босқинчиларга дахшат солган собиқ партизанлар билан бўлган суҳбатлардан хулоса ясаб, қаҳрамон ўзбек йигити ва унинг баҳодир шериклари ҳақида муҳим асар ёзган. Воқеий қиссани ўқир экансиз, ўша оғир йилларда совет кишиларининг душман орқасида олиб борган қаҳрамонона ишларини, мисли-сиз жасоратларини кўз олдингизга келтирасиз ва бу қаҳрамонликлар асло унутилмайди, дейсиз.

Муаллиф жангларда иштирок этган партизанларнинг хаётлари ва улар олиб борган қаҳрамонона жанговар ишлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади. Ҳаяжонли воқеаларни тасвирлайди. Муаллиф Ғанитойнинг ҳалокатидан олдин яна бир муҳим жанговар топшириқни муваффақиятли бажарганлигини ёркин лавҳада чизади: «Ўзга чалинмай қолган Тошниёзов бир лаҳза ўтар-ўтмас темирйўл сари эмаклаб кетди. Ўтиб кетган поезд ғилдираклари зарбидан рельс ҳануз дириллаб турарди. У ерга қапишиб олганича ҳанжари билан қорни кавлай бошлади.


Ғанитой бир қўли билан чуқурчани кенгайтирди. Кейин унга портлатгич моддани жойлаштирди. Детонаторни ўрнатди. Унинг учи рельсдан бир неча миллиметр масофада турарди. Ғоят масъул операция моҳирона ва совуққонлик билан бажарилди. Қўпорувчи минани тез ва пухта ниқоблаб қўйди.

Тошниёзов изини яшириб, пастликка тушди. Кўп ўтмай Орешники, Гончаровка, Юхновка, Городишче қишлоқлари бўйлаб кучли портлаш овози янгради. Техника ортган состав изидан чиқарилди. Паровознинг олдига тирқалган платформалар ҳар томонга учиб кетди. Платформалардаги танк, автомашина, тракторлар гўё болалар ўйинчоқларидай ўмбалоқ ошиб, чуқурликка ағдарилди. Уларнинг устига вагон ва платформаларнинг бўлаклари ағанади. Ҳар иккала из ва йўл четлари уйилиб кетди. Енбошлаб қолган паровоз ҳамон пишқириб, гудок берарди. Партизанлар бундай ажойиб манзарани кўпдан буён кўрмаган эдилар.

— Ун тўртинчиси! — ўзича шивирлади Ғанитой».

Воқеий қиссада Ғанитой ва унинг жанговар шерикларининг гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борган дадил ҳаракатлари, унутилмас қаҳрамонликлари ёркин лавҳаларда ишонарли тасвирланган. Шунинг учун ҳам китобда ҳикоя қилинган ҳар бир жанг эпизоди, шиддатли тўқнашувлар ўқувчи ҳаёлида узоқ сақланиб қолади. Уни ҳаяжонга келтиради. Китобни ўзбек тилига таржима қилган Абдукарим Набихўжаев ва Рустам Шоғуломовларнинг хайрли иш қилганликларини, тошкентлик жангчи-партизан Ғанитой тўғрисидаги жангнома — воқеий қисса ўзбек китобхонларига тақдим этилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бундай китоблар оталар жасорати фарзандлар мероси эканлигини ёдга келтиради, ёшларни Ватанни севишга, унинг қадрига етишга ўргатади. Воқеий қиссанинг қиммати ҳам ана шунда.

**НАЗАРМАТ.**





Ҳарбий-Денгиз Флоти учун бўлажак жангчиларни тайёрлашда ДОСААФнинг Тошкент денгиз мактаби катта фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили мамлакат Қуролли Кучларига бу ерда бошланғич тайёргарликдан ўтган юзлаб йигитлар ҳарбий хизмат қилиш учун йўл олишади.

— Денгиз мактабидаги машғулотларда,— дейди мактаб бошлиғи Ф. К. Решетнёв,— биз курсантларга юксак ахлоқий-сиёсий ва жанговар фазилатларни сингдиришга ҳаракат қиляпмиз. Махсус синфлар ва полигонда ўтказилаётган амалий машғулотлар ўсмирларга флот фани ,денгиз қуролларининг моддий қисмлари, ҳозирги замон кемаларининг асосий жиҳозлари ҳақида кенг тушунча ҳосил қилиш имконини бермоқда.

Суратларда: ҳарбий денгиз ишлари асослари бўйича запасдаги I ранг капитани ўқитувчи Валентин Константинович Ефимов курсантлар билан машғулот ўтказмоқда.

Унгда: мактабнинг Ленин бурчагида. Партия ташкилотининг секретари Николай Харитонович Евглевский курсантларга денгиз мактабининг фаолияти ҳақида сўзлаб бермоқда.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

## Спорт

### ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида пешқадамлар сафида бораётган Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари учинчи давра ўйинларини ғалаба билан бошладилар. Улар ўз майдонларида дастлабки ўйинни Душанбанинг «Ҳосилот» командаси билан ўтказиб, 3:0 ҳисобида ғолиб келдилар ва очколарни 12 тага етказдилар.

Биринчи лига вакиллари ўртасида кучлилар сафига ўтиш учун 4—5 команда даъвогарлик қилмоқда. Ана шуларнинг фақат иккитасигина олий лиганинг сўнгги ўринларида қолган икки коллектив билан бахслашиш ҳуқуқига эга бўлади. Тошкентликлар мақсадларига эришиш учун ўз майдонларидаги ўйинларини муваффақиятли ўтказишлари лозим. Ҳозир эса Грознийнинг «Автомобилист» командаси биринчи лига вакиллари ўртасида ягона пешқадамлик қилмоқда.

Ҳамшаҳарларимиз кеча навбатдаги учрашувни Вильнюснинг «Кураппаратура» командаси билан ўтказдилар.

### ИККИ ЎЙИНДА УЧ ОЧКО

«Бинокор» Липецкнинг СКА МВО командаси билан бўлган биринчи учрашувни 2:2 ҳисобида дуранг қилган эди. Такрор учрашувда ҳамшаҳарларимиз қандай бўлмасин ғалабага эришиш ниятида майдонга тушдилар. Негаки улар турнир жадвалининг сўнгги ўринларида бораётган командага аввалги ўйинда 1 очко бериб қўйишганидан хафа эдилар. Такрор учрашувда «Бинокор» 4:3 ҳисобида ғолиб келди ва икки ўйинда уч очко тўплади. Тошкентлик хоккейчилар очколарини 55 тага етказиб, кучли бешлик сафидан ўрин эгаллаб турибди.

### ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Бокуда шахмат бўйича ёш мастерлар ўртасида мамлакат чемпионати мусобақаларн давом этмоқда. Саккиз тургача мағлубият нималигини билмаган москвалик Чехов тошкентлик Аъзамов билан бўлган ўйинда биринчи бор мағлубият аламини тортди. Бу ғалаба ҳамшаҳаримизга пешқадамлар сафидан ўрин олишга имкон берди.

Саккиз турдан сўнг Эйнгорн 5 очко билан олдинда бормоқда. Аъзамов, Владимиров ҳамда Псахисалар ҳисобида эса 4,5 тадан очко бор.

### ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Москва ва Тбилиси шаҳарларида қўл тўпи бўйича олий лига командалари ўртасида мамлакат биринчилиги биринчи давра ўйинлари давом этмоқда. Республикамиз вакиллари «Меҳнат» ватерполочилари ўйинларини анча бўш ўтказишмоқда. Улар дастлабки учта учрашувнинг иккитасида енгилиб, фақат биттасида ғалаба қозонишган эди. Навбатдаги учрашувни Бокунинг Қизил Байроқли Каспий флоти билан ўтказган спортчиларимиз яна ютқазишдилар. Улар ўйинни 4:7 ҳисобида бой беришди.

# ҚЎШ ОРДЕНЛИ БИНОКОР

## ЛАВҲА

УСТА зимдан шогирдининг ҳаракатларини кузатиб турарди. Йигитча бир қарашда жуда эпчил ва тез ҳаракат қилиб, ўз ишини аъло даражада бажараётганга ўхшайди. Лекин, унинг айрим жузъий нуқсонлари тажрибали устози, моҳир бинокорнинг назаридан четда қолиши мумкин эмас. Оёқ остида талайгина ярим-та-юримта ғиштлар бўлишига қарамай, йигитча бутун ғиштни олиб кесди-да, улоқ жойга қўйди. Унинг терган ғиштлари ҳам силлиқ чиқаяпти. Аммо бригадир устозга унинг иши ёқмади. Тўлқин ака шитоб билан тахта нарвондан кўтарилиб, иккинчи қаватга чиқди. Йигитчанинг тепасига келиб, жиддийлашди:

— Ноннинг увоғи ҳам нон, бутуни ҳам нон, — деди Тўлқин ака шогирдига, — нега атрофингда синиқ ғиштлар тўлиб ётган бўлишига қарамай, улоққа яна янгисини синдиряпсан?

— Бурчак силлиқ чиқсин деган эдим... — ғулдиради йигит ва бу баҳона бўлолмаслигини ўзи сезиб гуноҳкорона киприкларини пирпиратди.

— Яхши ғишт терувчи тежамкор ҳам бўлиши керак, яъни, мана шу бор яримта ғиштлардан ҳам бурчакни силлиқ чиқарсин.

Тўлқин ака шундай дедида, ўзи ғишт теришга тушиб кетди. Беш-ўн минут ичида анча жой битиб қолди. Унинг тепасида қизариб турган йигит устозидан ранжимади. Аксинча, унинг ишбилармонлиги, меҳнаткашлигига яна бир бор иқрор бўлди.

— Айб менда, бошқа такрорланмайди, — деди Акром ерга қараб.

— Бўлиб туради, — деди Тўлқин ака унинг елкасига қоқиб вазиятни юмшатар экан, — ҳечким бирданига зўр уста бўлиб қолмайди. Фақат озгина кунт ва эътибор, сабр-тоқат билан ёндошиш керак. Ана шунда иш ҳам сифатли, исрофгарчилик ҳам йўқ бўлади.

Бу — тошкентлик машҳур қурувчи, Ленин ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари кавалери Тўлқин Самигов. Пойтахтда уни танимайдиган бинокор бўлмаса керак. У 22 йилдан буён бинокор касбини шарафлаб келмоқда. 159-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасида эса Т. Самиғовнинг олдига тушадиган бригадир йўқ. У бошчилик қилаётган 54 кишилик коллектив Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга яраша зарбдор меҳнат қилиб келмоқда. Бригадир бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш ташаббускорларидан бири сифатида ҳозирги кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қиляпти. Бутун бригада коллективи эса беш йиллик планини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

— Ўтган йили фойдаланишга топширган объектларимиз орасида «Марказ-27» массивида қад кўтарган экспериментал турар-жой биноси алоҳида ўрин эгаллайди,— дейди Тўлқин ака. —Бу уй ҳар бири 6—7 хонали квартиралардан иборат. Шу билан бирга ҳар бир квартиранинг 90 квадрат метр саҳнли айвонлари бор. Бу айвонларда ҳатто тўлар ўтказиш мумкин. Унда истиқомат қилаётган аҳоли яшаш учун яратилган барча шарт-шароитлардан мамнун бўлмоқда.

Айни кунларда машъал бинокорлар бригадаси «Узбекселькомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 400 ўринли ётоқхонасини ва иккита тўрт қаватли турар-жой биноларини жадал суръат билан тикламоқда. Объектларда смена топшириқлари 1,5—2 бараварга етказиб бажарилляпти.

Самарадорлик ва сифат беш йиллигида машъал бригада коллективи биноларнинг сифатли қурилишига алоҳида эътибор беряпти. Шу билан бирга тежамкорлик ҳам диққат марказида. Улар ўтган йили 40 кубометр тахта, 13 тонна арматура, 26 минг дона ғишт ва бошқа қурилиш материалларини тежаб қолишди. Бу коллективда кўплаб ветеран қурувчилар меҳнат қилишади. Шулардан бири Бўрибой Муҳамедов ўнлаб ёшларнинг мураббийси сифатида танилган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ғани Валиев ҳар соҳада ҳамкасбларига намуна. Бригадирнинг шогирдлари Акром Шоҳакимов, Юсуф Маҳкамов, Карим Ҳамидов каби ёшлар ҳам тажрибакор қурувчилардан маҳорат сирларини ўрганиб, қисқа муддатда илғорлар сафига ўтиб олишяпти.

...Муаззам пойтахтнинг кўчаларидан одимлаб борарканг, бинокорнинг қалби фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб-тошади. Чунки, янгинянги турар-жой массивларида, марказий кўчаларда кўкка бўй чўзиб, савлат тўкиб турган кўпқаватли уйлар ва маданий-маиший объектларда унинг бармоқ излари бор, минглаб одамлар истиқомат қилаётган хонадонларда унинг қалб қўри яширинган. Тўлқин ака теп-текис майдонларда пойдеворга дастлабки кубометр бетонни қуйишдан бошлаб, уни фойдаланишга топширгунгача бўлган барча ишларни бажаришда қатнашган, бош-қош бўлган. У — комплекс бригада бошлиғи. Тўлқин Самигов ва унинг бригадаси бинокорлари бунёд этган юзлаб бинолар асрлар бўйи кўкка бўй чўзиб, уларнинг ҳайрли ва жасоратли ишларидан авлодларга ҳикоя сўзлайди...

С. СУЛТОНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

## Бизнинг ахборот

### САЁҲАТ — РОҲАТ

Бўка районининг бир группа қишлоқ хўжалик илғорлари Закавказье бўйлаб туристик саёҳатдан қайтиб келишди. 300 дан ортиқ донгдор совхоз ишчилари, колхозчилар мамлакатимизнинг Кисловодск, Есентуки, Сочи, Волгоград шаҳарлари бўйлаб 19 кун сафарда бўлишиб, у ердаги тарихий ёдгорликлар, гўзал манзаралар билан танишишди. Мамай қўрғонига боришиб, жасорат монументи пойига гулчамбарлар қўйишди.

Ильич номли колхознинг илғор бригада бошлиғи Эркабой Убайдуллаев, Карл Маркс номли колхознинг донгдор механизатори Мансуров, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг элликцентнерчи илғорларидан Саидраҳмонова ва бошқалр сафардан зўр таассуротлар билан қайтишди. Район маданият уйининг 30 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлари катта программада концертлар беришди.

Бундан ташқари областимизнинг Чиноз, Янгийўл, Оҳангарон, Пискент районларининг пахтакорлари ҳам Ватанимиз бўйлаб шу ойда саёҳатларга боришади.

Кеча Коммунистик районининг Свердлов номли колхоз аъзоларидан бир группаси Олмаота шаҳрига йўл олишди.

Шанба ва якшанба кунлари Тошкент областининг пахтакорлари пойтахтимизда бўлишиб, маданий дам олишди. Улар Самарқанд, Бухоро, Хева ва бошқа тарихий жойларга ҳам экскурсия ташкил этишди.

Бўстонлиқ райони чорвадорлари учун пойтахтда бир кунлик дам олиш уюштирилди. Улар Тошкент музейларида, томоша залларида бўлишди, Уларга 20 та автобус хизмат кўрсатди. Фақат шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳар экскурсия ва саёҳатлар бюросида 40 га яқин тематик учрашувлар ўтказилди. Ҳар ҳафта шанба ва якшанба кунлари пойтахтимизга мингдан ортиқ саёҳатчилар келиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишмоқдалар, меҳнат аҳли билан учрашмоқдалар.

### ХУШБЎЙ АТИРЛАР

ТОШКЕНТ парфюмерия-косметика фабрикасининг маҳсулотлари республикамиздагина эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам машҳур. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган 120 турдан ортиқ маҳсулотнинг ўттиздан ортиғига Сифат белгиси берилган.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида фабриканинг меҳнатсевар коллективи бир неча хил янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Жумладан, «Хушвақт бўлинг», «Феруза», «Лола» каби атирлар нозик дидли аёлларимизга манзур бўлмоқда. Шу квартал охиригача яна янгидан 6 хил одеколон ҳамда атирлар чиқарила бошланади.

Меҳнатсевар коллектив фарзандларимиз учун ҳам турли хил маҳсулотлар чиқармоқда. Халқаро болалар йили муносабати билан «Шарқ эртаги» болалар креми, тиш порошоги, одеколон ҳамда атировшулар ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

М. ЗАРИПОВ.


# Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10, 11 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳром МАВЛОНОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ва Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Дилафруз ЖАББОРОВА

Солистлар: Шерали ЖЎРАЕВ, Гулнора АЪЗАМОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Абдуфаттоҳ САИДОВ (интермедия ва юмор).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ «ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Абдуфаттоҳ САИДОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳром МАВЛОНОВ

Солистлар: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдукодир ЮСУПОВ. Гулнора АЪЗАМОВА, Гулнора ОДИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.


## Телевидение

### МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз? 10.35 — Концерт. 11.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.25 ва 15.00 — Янгидиклар. 15.20 — Меҳнатинг-ижобинг. 16.15 — Рус тили. 16.45 — Ўсмирлар учун музикали кечалар. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00— Расмларда қўёш ботаётган ер. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — СССР Олий Советига сайловлар олдидан. 20.05 — «Варяг» крейсери». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — Украина Россия билан қўшилганлигининг 325 йиллигига бағишланган тантанали концерт. 2-қисм. 23.20 — Янгидиклар.

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — «Одий жаноб ёлғончилик». Бадиий фильм. 12.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Қизиқарли учрашувлар. 13.35 — «Оцеола» Бадиий фильм. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Болалар учун фильм-концерт. 18.15 — КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 18.45 —Ахборот. 19.00 — «Ёшлик». 19.35 —Тўртинчи март — СССР Одий Советига сайловлар куни. 19.50 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Газал оқшоми. 21.30 — Вақт. 22.05 —Ҳорвачилик — зардоб фронт. 22.20 — «Камал». Бадиий фильм.

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/II да Концерт. (14.00 да. Билетлар сотилган). Оламнинг яратилиши (19.00 Билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да Чандиқлар (12.00). 9/II да Тўй муборак, қари қиз (12.00).

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —«Тўрт нуёз» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг гастролари (19.30).


«Главташкентстрой» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг 4-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ ишлаб чиқаришдан амаллаган ҳолда экскаватор машинистларини тайёрлайдиган. КУНДУЗГИ КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой. ҲАР ОЙДА 75 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700149, Тошкент шаҳри, Шарипов кўчаси, 51-уй (метронинг «Собир Раҳимов станцияси» 103-автобусининг «6-автобаза» бекати).

Урта Осиё темир йўли ТОШКЕНТ ПАССАЖИР СТАНЦИЯСИНИНГ 2-ВАГОН ДЕПОСИ пассажир вагонларининг проводникларини тайёрлайдиган 3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга поездлар ҳаракати билан боғлиқ ишларда ишлаш учун соғлиги тўғри келадиган 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 18—35 ёшлилар қабул қилинади.

Ҳар ойда 93 сўмгача стипендия берилади.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (ёки гувоҳнома), 9х4 см. каттадикдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет ва меҳнат дафтарчаси шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар ҳар ойнинг 1 числосида бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 90-уй, кадрлар бўлими.


БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

# ЭЛ ХИЗМАТИДА

ҲЕЧ бир одам йўққи, унинг иши дорихонага тушмаган бўлсин. Албатта, дорихоналарга мурожаат қилганда кўпинча зарур дориларни ҳарид қилиб, кайфият енгил тортади. Еки истаган нарсангиз топилмаса, марказий дорихоналардаги справкалар бюроси ёрдамга келади, улар истаган дорингиз бор бўлган адресларни аниқлаб айтиб беришади. Миннатдорчилик билдириб, ўша томонга йўл оласиз. Гоҳида рўзғорда туз ва гугурт ҳам тугаб қолади. Худди шу каби сизга керакли дори битта дорихонада йўқ бўлса, иккинчисида бор. Пойтахтимизда эса 113 та дорихона мавжуд.

— Бизнинг зиммамизга юклатилган вазифа ана шу барча дорихоналар ва яна 12 та санитария-гигиена магазинларини зарур шифо воситалари билан таъминлашдан иборат, — дейди Тошкент шаҳар Дорихоналар бошқармасининг омборхона мудири Қорабой Қодиров, — дориларни эса мамлакатимиздаги 150 дан ортиқ фармацевтика заводларидан оламиз.

Мана шу икки кўрсаткичнинг ўзидан мазкур коллективнинг зиммасидаги ишнинг миқёси ва масъулиятини билиб олиш қийин эмас. Ҳар бир донаси граммлардан ҳисобрат бўлган дорилар ва санитария-гигиена буюмларидан ҳар куни тонналаб келади. Ана шуларни қабул қилиб олиб, саралаб, тушган буюртмалар асосида пойтахтдаги юздан ортиқ адресларга тарқатиш катта меҳнат талаб иш. Шу билан бирга катта масъулияти ҳам бор — аҳоли омборхонада бор-у, дорихоналарда йўқ дорини излаб сарсон бўлмасин учун пешмапеш сотувга етказиб бериш керак.

Меҳнатсевар, ишбилармон коллектив ана шундай камчиликларга чек қўйганига анча бўлди. Натижада ўнинчи беш йиллик бошидан буён план ва мажбуриятлар мунтазам ошириб бажариляпти. Жумладан, 1976 йилда пландаги 8 миллион 518 минг сўмлик ўрнига 9 миллион 761 минг сўмлик маҳсулот етказиб бериб, план 114 процент бажарилди. 1977 йилда бу кўрсаткич 110,4 процентни, 1978 йилда эса 123 процентни ташкил этди.

Самарадорлик ва сифат беш йиллигида шаҳар дорихоналар бошқармасининг ишчи-хизматчилари хизмат маданиятини оширш, иш сифатини яхшилаш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Натижада, бошқарма коллективи 1977 йилнинг 9 ойлик Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари бўйича иккинчи ўринни олган эди. 1978 йилда эса биринчи ўрин эгалланди ва коллективга СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳамда тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Бунда албатта бошқарма омборхонаси ишчи ва хизматчиларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Коллективда узоқ йилларлан бери самарали меҳнат қилиб келаётган мутахассислар анчагина. 4-бўлим бошлиғи Одил Орифжонов шуларнинг бири. У бошчилик қилаётган амдулалар бўлимининг коллективи маҳсулотининг омборхонада узоқ туриб қолишига, йўл қўймайди. 3-бўлим бошлиғининг ўринбосари Эдик Межлумян тўғрисида ҳам илиқ гапларни айтишади. 5-бўлим бошлиғи Ориф Илҳомов шу соҳанинг ҳақиқий ветерани. Ориф ака 40 йилдан буён мазкур коллективда ишлаб келмоқда.

— Бизнинг ишимизни шофёрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди автогараж мудири Зоир Муҳаммадиев, — шаҳардаги барча дорихона ва магазинларга молни шу шофёрларимиз ташиб беришади, ўттизта транспортимиз бор. Тоҳир Иноғомжонов, Усмонали Алимов, Анвар Мажидов, Евгений Слепов каби ҳайдовчилар ўз зиммаларидаги вазифани кўнгилдагидек бажариб, бошқаларга намуна бўлишмоқда. Юкчилар Тоҳир Раҳимов, Соиб Раисов, Ҳамидулла Ҳасанов, ҳисобчи Муҳайё Усмоновалар ҳам фидокорона меҳнатлари билан коллектив ҳурматини қозонишган.

— Қорабой Қодиров бундан беш йил муқаддам мудир бўлиб келганларида атиги тўрт-бешта машинамиз сёқда юрар эди, — дея эслайди ветеран Ориф Илҳомов, — қолган ўн бешта машина сафдан чиқиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Мана энди, асосий «дастёримиз» бўлган машиналардан қийинчилигимиз йўқ.

Ветеран ишчилар омборхона бундан икки йил аввал янги жойга кўчиб келганида қатор қийинчилик ва етишмовчиликлар кўндаланг бўлганини, бу муаммоларни ҳал этиш, эскириб ётган биноларни капитал ремонтдан чиқариш ва қўшимчаларини қуришда мудирнинг жонбозлик ва ишбилармонлик билан қилган меҳнатларини бугун фахрланиб эслашади...

Бошлиқнинг ва бутун коллективнинг фидокорона меҳнати улар эришаётган меҳнат зафарларида, план кўрсаткичларида ҳам яқкол кўриниб турибди. Коллективнинг барча аъзолари бундан буён ҳам аҳолини зарур дори-дармонлар билан таъминлашни янада яхшилашдек ҳайрли вазифаларини доимо сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ, О. НИЁЗОВ.


Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07064. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2328.